

2023-ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

ШЕРОБОД ҲАЁТИ



Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳоқимлиги наشري

2023–йил 28–февраль, № 5 (8343) Сешанба. Электрон почта: sherobod_gazeta@inbox.uz – Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган

Xalq deputatlari Sherobod tumani Kengashining 63-sessiyasi



Sessiyada tuman Kengashi deputatlari, kun tartibidagi masalalarga aloqador bo'lim va tashkilot rahbarlari qatnashdilar. Sessiya ishida O'zbekiston

Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 31-martdagi "Xotin-qizlar muammolarini o'rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari

to'g'risida"gi 145-sonli qaroriga asosan, Sherobod tumanida "Ayollar daftari" bilan ishlash tizimining 4-bosqichi ro'yxati, xotin-qizlar muammolarini hal etishga qaratilgan "Yo'l xaritasi"ni tasdiqlash, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-oktabrdagi «2022-2023-yillarda mahallalar infratuzilmasini yanada yaxshilash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-408-sonli qarori ijrosiga alohida e'tibor qaratildi.

Shuningdek, sessiya kun tartibida boshqa masalalar ham muhokama etildi. Mutasaddi rahbarlarga ko'rsatma va tavsiyalar berildi.

Shu bilan sessiya o'z ishini yakunladi.

Azizbek Do'smurotov,
Xalq deputatlari Sherobod tumani Kengashi kotibiyati bosh mutaxassisi.



ҚУТЛАЙМИЗ!

2022-йил якуни бўйича Сурхондарё вилояти шаҳар ва туман ҳоқимларининг ўринбосарлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришган Шеробод туман ҳоқимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни кискартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари -туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кискартириш бўлими бошлиғи **Умиджон Панжиев** куни-кеча Сурхондарё вилоят ҳоқими **Улугбек Қосимов** томонидан фахрий ёрлик ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Шеробод туман ҳоқимлиги жамоаси Умиджон Исмоиловични ушбу ютуқ билан муборакбод этади. Келгусидаги ишларида бунданда улкан муваффақиятларга сазовор бўлишини тилаб қолади.

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси қарори

2023 йил 13-февраль № 9 Шеробод тумани

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашининг бўшаб қолган ўринларига депутат сайлови ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Шеробод туман сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгашининг 2023-йил 10-февралдаги VI-62-28-8-119-К/23-сонли қарoriga асосан, Халқ депутатлари туман Кенгашининг 20-Бўстон сайлов округида бўшаб қолган ўринга депутат сайлови-ни ўтказиш 2023-йилнинг 12-март кунига белгилансин.

2. 20-Бўстон сайлов округида бўшаб қолган ўринга депутат сайлови мазкур сайлов округи ҳудудидаги янги ташкил этиладиган сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талабларига мувофиқ ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси котиби З.Сайфуллаева зиммасига юклансин.

Алибек Пирматов,
комиссия раиси.

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ХОНАДОНБАЙ ЎРГАНИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Абдуҳаким Жўраев,
Шеробод туман Халқ қабулхонаси мудири.

Хозирги кунда Шеробод туманида Тошкент вилояти, Оққўрган туман мамунаси бўйича уйма-уй юриш орқали хонадонларда муаммоларни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сон қарори билан секторлар томонидан ташкил этиладиган сайёр қабулларда ва хонадонларда уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан аниқ тизимли вазифалар белгилаб берилган.

Республика ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилояти, Оққўрган туманида ташкил этилган хонадонларда муаммоларни ўрганиш ишлари ўтказилди ва ушбу тажрибадан келиб чиқиб, вилоятимизнинг барча туманларида, шу қатори туманимиздаги 48 та маҳаллаларида аҳолини қийнаб келаятган ижтимоий ва шахсий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш ишлари олиб борилмоқда.

Туманда мазкур вазифани амалга ошириш ишларини ташкил этиш ва секторлардаги кичик ишчи гуруҳлар ишларини мувофиқлаштириш мақсадида туман штаби ташкил этилган.

Ишчи гуруҳлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонга кириб, фуқаролар билан учрашиб, уларни қийнаб келаятган муаммоларни аниқлаш ишларини олиб бормоқда.

Жорий йил февраль ойининг биринчи ярми давомида туман ҳоқими раҳбарлигидаги 1-сектордаги 5289 та хонадонларнинг 5067 тасида, туман прокуровори раҳбарлигидаги 2-сектордаги 11462 та хонадонларнинг 11018 тасида, туман ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги 1047 та хонадонларнинг 9786 тасида ва туман ДСИ бошлиғи раҳбарлигидаги 4-сектордаги 10973 та хонадонларнинг 10484 тасида хатловлар

ўтказилди.

Ўтказилаётган хатловлар натижасида 1 секторда 673 та, 2-секторда 1030 та, 3-секторда 1254 та ва 4 секторда 871 та муаммолар аниқланди. Аниқланган муаммоларнинг 76 фоизи ўрганиш жараёни давомида ҳал этилди.

Хонадонларда аниқланаётган муаммоларнинг таҳлилидан шу нарса кузатишмоқдаки, фуқароларнинг ҳаммаси ҳам ўз муаммоларини барчага билдирмайди, тегишлилигича мурожаат юбормайди. Бунинг натижасида аҳолини қийнаб турган масала жиддийлашиб боради. Муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳал этиш чораларини белгилаш фуқароларнинг мурожаатларини камайтиришга олиб келади.

Мурожаатларни қабул қилувчи манбаларда кўринмаган, юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилмаган фуқароларнинг ҳам муаммолари бор. Уларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўрилиши фуқароларни ишончини оширади.

Хатловларни ўтказиш ва муаммоларни аниқлаш ишлари кўплаб маҳаллаларда фаоллик билан олиб борилаётган бўлса-да, тумандаги "Баҳор", "Ҳўжги", "Чўмилши", "Куллуқшо", "Чўйинчи", "Ойинли" ва "Хўжақия-2" маҳаллаларида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Белгиланган вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2023-йилнинг январь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шеробод туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, сайёр қабул, чет элдан мурожаат, Президент Халқ қабулхонаси, Президент почтаси, таъқиб хабар, Халқ қабулхонаси, Ишонч телефони, веб-сайт орқали келиб тушган 2023-йилнинг январь ойи давомида, жами 849 та мурожаатлар қабул қилинган ва ўтказилган таҳлил натижасига кўра, мурожаатларнинг 88 фоизи қаноатлантирилган.

2023-йилнинг дастлабки ойида келиб тушган мурожаатларда акс этган муаммолар хонадонларда ўтказилаётган хатловларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Сектор штаби аъзолари, ишчи гуруҳ ва маҳалла фаолларининг хонадонларга бориши, муаммоларни ўз жойида ҳал

этишларига қаратилган эътибор натижасида муаммоларни ҳал этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоизга яшилди.

Туман бўйича мурожаатлар маҳалласида қуйидагича:

Мурожаатлар сони "Хўжақия-1" маҳалласида 8 та, "Қорабор" маҳалласида 6 та, "Вандоб" маҳалласида 5 та, "Навбур" маҳалласида 4 та, "Зарабод" маҳалласида 4 та ва "Бойкишлоқ" маҳалласида 3 та бўлиб турган бир вақтда, "Истиқбол" маҳалласида 43 та, "Кўргон" маҳалласида 28 та, "Дўстлик" маҳалласида 26 та, "Меҳробод" маҳалласида 25 та, "Баҳор" маҳалласи ва "Оқтепа" маҳалласида 21 тадан, "Олтин воҳа" маҳалласида 19 та, "Тароқли" маҳалласида 18 та, "Кишлоқбозор" маҳалласида 18 та, "Ойинли" маҳалласида 18 та мурожаатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу маҳаллалардан фуқароларнинг мурожаатлари ортиб бораётганлиги кузатишмоқда. Юқоридегиларни инобатга олиб, маҳаллаларда олиб борилаётган хатловларда аниқланаётган муаммо-

ларни батафсил ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича масъулларни аниқлаш ишларига эътиборли бўлиш, аниқланган муаммолар ва уларни ҳал этилишини туман, вилоят ва республика даражасига ажратиш ишларида фаол бўлиш, аҳоли бандлиги, доимий ва мавсумий ишларга жойлаштириш, ўзини-ўзи банд қилиш каби масалаларда муаммо ва ҳал этиш даражасини сунъий ўзгартирмаслик, тайёрланаётган ҳисоботларни аниқ ва пухта тайёрлаш ҳамда кейинги босқичларда фойдаланиш учун маҳаллаларда жамлаб бориш, маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган муаммоларни қисқа муддатларда қўриб чиқиб, иккунчи ҳал этиш чораларини қўриш зарур.

Хар ҳафта туман ҳоқими ва сектор бошлиқлари раҳбарлигида туман ташкилотлари билан ўтказиб борилаётган муҳокама-ларда билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, фуқаролардан қабул қилинган мурожаатлардаги муаммолар ва хонадонбай юриб аниқланган масалалар қозғода қолиб кетмаслиги, уларнинг ечими аниқланиши, нуруни юборилган мурожаатлар юзасидан фуқароларга тушунтириб борилиши керак.

Виждонан ёндошилган ҳар бир муаммонинг ҳал этилиши- фуқароларда розичилик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келади.

АҲОЛИ БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

2023-йил 20-январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 10-сонли қарори эълон қилинди. Қарор ички ишлар органлари ҳодимларини фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бугунги юртимизда қонун устуворлиги, тинч осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда белгилаб қўйилган, ички ишлар ҳодимлари хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бур-

чини астойдил ҳис қилган ҳолда ўз ишига садоқат ҳисси билан ёндошиб, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириб бориб, "Инсон қадрли учун" таомийли асосида фаолият юритса, аҳолининг чинаккам розилигига эришиб боради.

Ички ишлар органларининг ҳар бир ҳодими Кодексда белгиланган қоида ва талабларга тўла амал қилиб бориши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий ҳисобланади. Қарорда барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари бошлиқлари ўз бўйсунувдаги шахсий тартиб билан Кодекс талабларини бажаришга қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга ошириш, шунингдек, ҳодимларнинг оилавий- маиший муаммоларини до-

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК –ЎЗ КЎЛАМИГА КЎРА ГЛОБАЛ МУАММО

Оилавий зўравонлик турмуш даражаси ва демократизация формидан қатъий назар, дунёнинг ҳар ерида бор. Аёллардан нафратланувчи эркакларни қашшоқ ёки бадавлат, олий маълумотли ёки маълумоти йўқ, европалик ёки осийлик деб ажратиш бўлмайди. Бундай инсонларнинг алоҳида бир миллати ё эътиқоди бўлмайди. Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бизнинг мамлакатимизда маиший ёки «уй зўравонлиги» га кўпинча бир оила муаммоси сифатида қаралган. Одамлар бундай муам-

имий ўрганиш ва ҳал этиш бўйича самарали чораларни қўриш учун шахсан жавобгар эканлиги қайд этилиб қўйилган.

Ички ишлар органларида хизмат қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, ҳолис ва шаффоф тизимини ташкил қилиш билан бюрократик тўсиқлар бартараф этилишига чора тадбирлар белгилан, истиқболли ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш, уларнинг фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва доимий равишда ўқитиб бориш механизмларини йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар органларида хизмат биринчи марта қабул қилинган ҳодимларга дастлабки синов бир йил муддатга белгиланади. Улар Ички ишлар вазирлиги Маалақа ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг, тегишли лавозимга ишга тайинланади.

2023-йил 1-сентябрдан бошлаб ҳукукбўзарлиқлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари хонадонлари "Фуқаролар билан ишлаш модули" бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилди. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида жамоатчилик кенгашлари тuzилди.

Жалолиддин ШАЙМАРДОНОВ,
Шеробод туман ИИБ бошлиғининг маънавий матрифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник.

моларни уйдан ташқарига олиб чиқмасликка ҳаракат қилишади. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони- шармандалик ва тўғри гап сўзлардан қўриқиб, жим юришга мажбур бўлади. Зўравонлик қурбони бўлган аёл ҳар томонлама қийин ҳолатда қолади. Айниқса, ҳатто энг яқин инсонлари ҳам бу муаммони ҳал қилишдан ўзини олиб қочган, охир оқибат бу кўрқув дилпресия, ўз жонига қасд қилиш ёки бирор бир жиноят содир этилиши билан тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 19-майдаги 5116-сонли қарори билан «Зўравонлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича» қабул қилинган йўл харитасининг 17-бандида, 25-ноябрь -Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга

қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шулардан энг асосийси сифатида мамлакатимизда «Гендер тенглигини таъминлаш ҳамда зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида, 2019-йил 2-сентябрда 561-562 сонли Президент қонуни ишлаб чиқилди.

Туманимизда 2022-йилнинг 12 ойида 276 нафар хотин-қизлардан 4 нафари кайнонаси ва 101 нафари бошқа шахслар томонидан содир этилган бўлиб, уларнинг таъзия турлари таҳлил қилинганда, 69 та жисмоний, 5 та иқтисодий, 48 та таъзия ва 154 та руҳий зўравонликлардан иборат. Ушбу оилавларнинг 122 нафари яраштирилган, 144 нафарининг низоилари бартараф этилган, 8 нафари ажрашган, 33 нафарининг низоилари бартараф этилмасдан қолган.

Сурайё ХУДОЙҚУЛОВА,
Шеробод туман ИИБ ЖХХ ҲПБ ҲҚМБ катта инспектори, лейтенант.

Мансур БОДИЕВ,
Шеробод туман Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

Табиатга муҳаббат ва у ҳақидаги билим, аъёна ва қадриятлар,

кўчатларнинг хусусиятлари, уларнинг экиш схемалари, сугориш тартиби, ўғитлаш ва парвариш қилиш жараёнида алоҳида на-

КЎЧАТ ЭКИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

экологик тарғиботлар ҳар доим-гидан ҳам кўпроқ диққат марказимизда бўлиши- ҳудудларимизни боғу-роғлар билан бурканишга хизмат қилади.

Азалдан кўчат экиб, боғ яратган, атроф мусоффолигини таъминлаб, экологик мусоффоликка ҳисса қўишни ўзининг энг асосий бурчи деб билган тумандошларимиз бугунги кунда янада жиқслашиб, бир мақсад йўлида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини жадал суръатда олиб боришяпти.

Мутахассислар томонидан

зоратга олинганлиги ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунча йил бошидан буюн туманимизнинг маҳалла ва хёбонлари, кишлоқлари, қабристонлари, автомобиль йўллари-нинг чеккалари, фермер хўжали-ги ерларига лойиҳа доирасида 274332 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари экилди.

Бошланган ҳайрли ишлар яшидан боғ қолишининг амалдаги ифодаси бўлиб, келажак авлод олдиданги бурчини адо этишнинг ўзига хос кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ҳимоя ягона реестри- тараққиёт сари муҳим омил

Мамлакатимизда ижтимоий нафақаларни тайинлаш босқич-ма-босқич "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими ор-қали амалга оширила бошланди. Бу тизим воситасида кам таъ-минланган оилаларга нафақалар тайинлашда қатор қулайликлар яратилди. Аҳолига ижтимоий ҳиз-матлар кўрсатишнинг шаффоф-лиги ва адолатлилиги таъмин-ланмоқда.

Президентимизнинг 2020-йил 4-августда қабул қилинган "Аҳолига давлат ижтимоий ҳиз-матлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автомат-лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада ҳуқуқий асос вазифа-сини ўтапти.

Эндиликда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими воситасида эҳтиёжманд оилалар-га 30 турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматларни осон ва қулай тарз-да тақдим этиш йўлга қўйилди.

Бу, албатта, сўнгги даврда дав-лат томонидан бошқарув тизими ва иқтисодиёт тармоқларига за-

Баҳром Улашев,
Шеробод туман Адлия
бўлими юридик хизмат
кўрсатиш маркази бошлиғи.

Шаҳобиддин АШУРОВ,
ҳарбий хизматчи.

ВАТАНПАРВАРЛИК ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало ўз оиласи, Ватани ва халқини муно-сиб ҳимоя қилишдан иборат. Бу-гун ана шундай масъулиятли ва-зифани шараф билан адо этаёт-ган мард, эл юртига садоқатли ўғлонлар юрт сарҳадларининг илк чизигида туриб қўриқлаш-моқда. Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифа-миз, балки шарафли бурчимиз-дир. Шундай экан, ўсиб келаёт-ган бугунги ёш авлод вакилла-рини ватанпарварлик руҳида тар-биялаб, камол топтириш ҳукума-

тимиз томонидан устувор вазифа этиб белгиланган. Шу муносабат билан Музработ туман ҳокими-лиги маънавият ва маърифат мар-кази вакиллари ва ҳуқуқий муҳо-зафа қилувчи органлар ходимла-ри, шунингдек, Музработ тумани Халқ таълим бўлимига қарашли 14-, 15-, 16-, 17-, 37-, 53-, 51- ва 42-умумий ўрта таълим мак-табларининг 10-, 11-синф ўқув-чилари ва ўқитувчилари иштиро-кида ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар» кўрғазма-ли тадбири ҳам айнан шу жиҳат-

Маълумки, кўп вақтлардан буён кенг жамоатчилик муҳока-масида бўлиб келган ҳамда амал-га киритилиши кутилаётган "Дав-лат фуқаролик хизмати тўғриси-да"ги қонунда жамиятимиз ва дав-латимизни давлат хизмати соҳа-сида тартибга солиниш керак бўлган, анчадан бери қийнаб ке-лаётган масалалар атрофлича

имзоланди ва ушбу қонун билан давлат хизматчиларига, яъни дав-лат органларида ишловчи ходим-ларнинг фуқаролик хизматини ўташ тартиби, ушбу соҳадаги дав-лат бошқаруви, давлат хизматчи-ларининг ҳуқуқий мақоми белги-ланди.

Давлат фуқаролик хизматини ўташда тартибга солинган маз-

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан белгиланган янгиликлар қандай?

тартибга солинди десак, хато қил-маган бўламиз.

Умуман олганда, давлат фу-қаролик хизмати деганда, фуқа-роларнинг давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлардаги хизмат фаолияти назарда тутил-моқда. Шундан келиб чиқиб, мам-лакатимизда "давлат фуқаролик хизмати" ва "давлат хизмати" ало-ҳида тушунилган сифатида ажра-тилиб келинган.

Эндиликда эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томо-нидан жорий йилнинг 8-августид-а "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги УРҚ 788-сон қонун

кур кўпгина муносабатлар билан бир қаторда, ушбу қонун билан тартибга солинмаган муносабат-ларга Меҳнат кодекси нормала-ри қўлланилади.

Бундай қулайликлар билан бир қаторда, юқоридаги қонун билан давлат хизматчисининг тадбиркорлик билан шугуллани-

ди. Айниқса, кўرғазмали курол-лар билан танишиб, уларни илк бор қўлимга ушлаб кўрганимда, ўзимни Ватан ҳимоясидек ҳис этдим, -дейди 14-умумий ўрта таъ-лим мактабининг 11-синф ўқув-чиси А.Ақбаров.

Ҳарбий хизматчилар ўқувчи ёшларга Она Ватанини севиш, уни ардоқлаш, ҳар қарич ерини му-қаддас билиш лозимлигини ту-шунтириб, ҳарбий қисмда таш-кил этилган «Хотира майдон»ни таништирар экан, суратлари бе-хотарларда акс этган, қаҳрамон чегарачиларимизнинг кўрсатган жасорати ҳақида батафсил гапи-риб берди. Кўрғазмага қўйилган барча жанговор техника ва курол аслаҳаларни қўллари билан уш-лаб кўрган ёш авлод вакиллари-нинг қалбларида юрт сарҳадла-рини ҳимоялашдек шарафли касбга бўлган иштиёқ уларнинг юз кўзларидан фуқуриб турди.

-Мени ҳайратлантирган нарсаси хизмат итлари бажарган кўрғаз-мали чиқишлар бўлди. Айниқса, «Гений» лақабли хизмат итининг йўриқчи томонидан берган вази-фа ва топшириқни бекаму-кўст бажариши барчани лол қолдир-ди, -дейди 23-умумий ўрта таъ-лим мактаби тарбиячиси С.Абдул-лаева.



Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Сўнгги йилларда инсоннинг ҳўжалик фаолияти на-тижасида флора ва фаунага сал-бий таъсир кучайди ва унинг оқибатида йўқолиб кетиш ара-фасидаги турларни ҳимоя қилиш ва уларни келгуси авлодларга етказиш масаласи инсон олди-даги ягона мақсад сифатида қад кўтарди.

Сурхон давлат қўриқхонаси Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий қисмида, Сурхондарё вилояти-ни Шеробод тумани ҳудудида,

ТАБИАТИМИЗ ГАВҲАРЛАРИ

Қўҳитанг тоғ тизмасининг шар-қий ёнбағрларида, денгиз сатхи-дан 850 метрдан 3137 метргача баландликда жойлашган.

Қўриқхонада ноёб ҳайвон тур-лари кўп. Шулардан бири, Тур-кистон силвосинидир. Ўтмишда оддий тур ҳисобланиб келинган силвосин йиртқичлар туркуми-нинг мушуксимонлар оиласининг мушуклар авлодида мансуб, заиф, қисқариб бораётган, мозаик тар-қалган кенжа тур ва тоғ текис-ликлардаги одам бормайдиган қалин ўрмонларда яшайдиган, ўрмон йиртқичидир. Гавдасининг узунлиги 1-1.3 метр, думи 15-20 сантиметр. Мўйнасининг ранги ёзда малла, жуни қисқа бўлади, қишда эса, оч-қурангидан ва жуни узун бўлади. Қулоғи катта бўлиб, бу эшитув органининг яхши та-

раққий этганлигини кўрсатади. Оёқлари кучли ва панжалари кат-та, овлаш ва ҳимояланишга мос-лашган.

Ўрта Осиёда Туркистон силво-сини асосан, очик ўрмонлар ва даштларда яшайди, шунингдек, Ўрта Осиёнинг чул минтақалари-даги тошли адирлар ва тоғларда ҳам учрайди. Ғарбий Тянь-Шань (Уғом, Писком, Чотқол, ўтмишда -Қурама, Фарғона тизмалари) ва Помир-Олоӣ (Туркистон, Хисор, Қўҳитанг, ўтмишда -Боботог тиз-маси). Ўзбекистондан ташқарида: Ўрта Осиё мамлакатлари, Қозогистон, Мўғулистон, Хитой ғарби, Афғонистон, Покистон, Хиндистоннинг шимолида яшай-ди.

Асосан тунда, баъзан кундузи ҳам фаол, бошқа пайтлари чака-

ши, уларнинг муассиси бўлиши, Ўзбекистондан ташқарида ҳисоб варақлар очиши, чет элдан кўчмас мулк олиши таъкиқлаб қўйилди.

Бундан ташқари, эндиликда давлат ташкилоти хизматчиси ўзларининг даромадлари ва эга-лигидаги мол-мулки тўғрисида маълумотларни декларация шак-лида маълум қилиб бориш ке-

раклиги белгилаб қўйилди.

Худойкул
Муҳаммад Юсуф,
Шеробод туман
Адлия бўлими
юридик хизмат
кўрсатиш маркази бош
юрисконсулти.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР САРҲАД ЛОЧИНАЛARI ДАВРАСИДА

Сайдулла ШОБЕРДИЕВ,
ДХХ Чегара қўшинлари
хизматчиси.

Сўнгги йилларда мудофаа ва ҳавфсизлик соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар нати-жасида «Армия ва халқ бир тану-бир жон», -деган олийжаноб ғоя ва амалий ҳаракатлар асосида барча бугиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, таълим-тар-бия муассасалари, ҳусусан, кенг жамоатчилик ҳаётига кириб бор-ди. Ватан ҳимояси Ўзбекистон фуқароларининг нафақат вазифа-си, балки шарафли бурчига ай-ланди.

Ўтган давр мобайнида кучла-римиз нуфузи ва қудратидан иф-тиҳор туюётган ҳарбийлар, му-қаддас бурчини ўтаб қайтган ёки хизматга боришга шайланганни минглаб йигитларимизнинг ҳар-бий акаларига ўхшаб, Ватанига содиқ фарзанд бўлиш иштиёқи-да униб ўсаётган ёшларимизнинг

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИДА ТИПИК ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

Бугунги кунда жиноятчиликнинг жадал ўсиб бориши ва унинг кенг ёйилиши дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Яъни, янги турдаги жиноятларнинг содир этилиши ривожланган давлатлар томонидан жиноятчиликка қарши курашни янги даражага кўтарди. Дунёнинг кўплаб давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, уюшган жиноятчиликка қарши курашда полиция, терговчилар, прокурорлар ва судьяларнинг ушбу жиноят иши бўйича тергов ва суд ишларини олиб бориши учун етарли даражада ва юқори самарадорлиқни таъминлашда жиноят-процессуал воситалар жуда муҳим рол ўйнайди. Бунда, биринчи навбатда, мажбу-рий ва ихтиёрий жиноий таъйиблар амалиёти ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Албатта, бундай ҳуқуқдан самарали фойдаланиш юқори дара-жадаги профессионал жавобгарликни талаб қилади. Масалан, АҚШда суд томонидан электрон кузатувдан фойдаланишга рухсат берилади. Гуман қилинувчининг суҳбатларини тинглаш иштирокчиларидан би-рортасининг розилигисиз амалга оширилади. Германия қонунчилиги-га мувофиқ, электрон тергов усулидан фойдаланишга рухсат берила-ди. Ваҳоланки, бу тарзда олинган далиллар маълум чекловлар билан қабул қилинади. Шунингдек, электрон кузатув усулини атрофлича қўллаш бўйича Европа давлатлари ва АҚШдан янгича қўниқмаларни ўзлаштириш уюшган жиноятчиликни тергов қилишда муаммолар ечи-ми бўла олади.

Темура Аширалиев, Шеробод туман Адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти.

ҳаларни қўллари билан ушлаб кўрган ёш авлод вакиллари-нинг қалбларида юрт сарҳадларини ҳимоялашдек шарафли касбга бўлган иштиёқ уларнинг юз кўзларидан фуқуриб турди. Била-ги куч-гайратга тўлган шижоатли ёшларнинг қўпчилиги келгусида ҳарбий хизматчи бўлишни кўнгилларига тугди. Ватан посбо-ни, юрт ҳимоячиси, кўркам ва салобатли аскарларимизнинг юришлари, жанговор машқлар бажаришдаги эңчиллик ва чак-қонлиқлари ёшларимизнинг ҳар-бийлик касбига бўлган қизиқи-шини янада кучайтирди.

«Очиқ эшиклар» куни доира-сида ўтказилган мазкур тадбир давомида мuddатли ҳарбий хиз-мат олдий аскарси Д.Маткаримов ҳамда Ж. Курашевлар томони-дан ижро этилган Она Ватани-мизни мадҳ этувчи диалого куй-қушқилар ўқувчи ёшларимиз қал-бига бир олам кувонч бағишла-ди.

Тадбир сўнггида ҳарбий қис-мининг маънавият ва маърифат хо-насида бўлиб ўтган суҳбатда иштирокчилар ва ўқувчилар ҳар-бий хизматга доир барча савол-ларига ҳарбий хизматчилар то-монидан тўлиқ жавоблар олиш-ди.

Суд залидан ФИРИБГАРЛИГИ ФОЙДА БЕРМАДИ

Содда одамларнинг ўта лак-ма холига тушган тоифадагилари ҳам борки, бундай кишилар ким нима деса, унинг гапига ишони-ши билан ўз бошига ўзи ташвиш ёғдириб қўйишди.

«Тароқли» маҳалласида яшов-чи Собир Соҳибов (Исм фамилия-лари ўзгартриб берилмоқда) турмуш ўртоғининг номида бўлган уй жойни таъмирлаш учун субсидия пули олиш ниятида бўлиб юрганда, ўзига олдиндан таниш бўлган Акмал Халиловни учратиб қолади ва юқоридаги масаладан оғиз очиб қолади.

Акмал Халилов унга бу бора-да кўмак қўлини қўзиши мумкин-лиги ва бу ишни амалга ошириш учун Термиз шаҳрида яшовчи амалдор бир танишига 500 АҚШ долларни бериши лозимлигини айтиб, «мижоз»ининг «қўйинни пуч ёнгоққа тўлдиради».

Акмал Халилов айтилган пул-ларни олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган бир паллада Собир Соҳибов ишлар натижа-сини сўраб унинг уйига келади. А.Халилов, С.Соҳибовга ишни битириши учун унинг хотини номига субсидия олувчининг иш

Рустам САДАТОВ,
Департаментнинг
Шеробод туман бўлими
инспектори.

Маъмурий жаримага тортилган шахс бир йил давомида яна бир марта олдингидек жавобгарликка тортилса, унга 30 фоизлик чегирма берилмайди

Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодекснинг 332 прим 1-моддасига кўра, ҳуқуқбузар худ-ди олдингидек ҳуқуқбузарлиғи-ни маъмурий жазо чораси қўлла-нилганидан кейин бир йил даво-мида такорр содир этса, унга нисбатан жарима тўлашининг сода-далаштирилган тартиби, яъни 30 фоизлик имтиёз қўлланилмасли-ги кўрсатилган.

Юқоридаг асосга кўра, сиз бир йил давомида бир турдаги

С.Абраев,
вилоят Адлия бошқармаси
бош маслаҳатчиси.

Судга ҳурматсизлик қилиш

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасида, гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойи-шига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик -базавий ҳисоблаш миқдо-рининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади деб кўрсатилган.

Суд жараёнидаги тартибсизлик деганда, ҳамма тушунса керакки, бунда даъвогар билан жавобгар бир-бирига максимал даражада тош-лар ёғдиради. Бир-биричи ёмон кўрганидан, қаерда турганлиги ҳам эсидан чиқиб қолиб, залли бошига кўтаради. Шу зайлда давом этиб, уларни пик нуктага етиб бориши уларга нисбатан юқоридаги каби жарима қўлланилишга сабаб бўлиши мумкин.

А.Ҳасанов, вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.

Кам таъминланган оилаларнинг болалар нафақаси ва моддий ёрдам пули олиш тартиби

Кам таъминланган деб эъти-роф этилиб, «Ягона реестр» АТда эътироф этилган оилалар қўшим-ча тарзда ҳужжатлар ва маълум-отларсиз, белгиланган тартиб-да бепул ёки имтиёзли шартлар-да ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамлардан фойдаланишлари мумкин.

Бир оила сўнгги 12 ой даво-мида кетма-кет «Ягона реестр» АТ орқали бир неча марта кам таъминланган деб эътироф этил-ган бўлса, бунда маълумотнома-нинг амал қилиш мuddати ушбу оила охирги марта кам таъмин-ланган деб эътироф этилган ой-дан бошланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун ариза бериш ҳар бир оила томонидан «Ягона реестр»

АТга киритиш бир ойда бир мар-та амалга оширилади. Агар бел-гиланган болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашининг мuddа-ти тугаса, ариза берувчи фуқаро ушбу нафақа ёки моддий ёрдам-ни янги мuddатга тайинлаш учун ариза асосида мурожаат қилиши мумкин.

Бундай ҳолларда болалар на-фақаси ва модий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тай-инланган ушбу нафақа ва мод-дий ёрдамни тўлаш мuddати ту-гаётган ойдан кейинги ойда бе-рилади.

Ҳусниддин НАРИМОНОВ,
Бюджетдан ташқари
пенсия жамғармаси туман
бўлими бошлиғи.

Истиклол БОЛТАЕВ,
Шеробод туман ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси бош мутахассиси.



НУРЛИ ИЛМГА ТАШНА БЎЛИШЛИК ЙЎЛИ

Ўзингизни ўзингизгагина эмас, ўзгаларга ҳам керакли эканлигингизни ҳис қилиб яшаш ҳам инсонга ҳаловат бағишлайди. Бу амалга лойиқ топишмоқ учун киши энг аввало, ўзини-ўзи яхши қўриб яшамого керак. Бу аъмолга етишмоқ йўли эса, нурли-нурли илмларга ташна бўлишлик, ундан озиқланиб турган вужуд қафаси ичидagi руҳни қувватлантириб бормоқдир. Бу қувватларни тақдим қилувчи маскан эса, муқаддас ва муйсафид мактаб ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим тизимидаги муҳим жараёнлардан бири ота-оналар ҳам ўқитувчилар билан бир хил муносабатда, ҳамкорликда боланинг билим олишига жиддий эътибор қара-

тиб боришсагина, кўзланган мақсадларга эришилади.

Мактаб ҳаётида математика фанларинг отаси бўлса, она тили ва адабиёти фани уларнинг она-сидир, -деган сал дағалроқ эши-

тилсада, бироқ ҳақиқатдан аксадо берувчи гаплар бор. Менинг бу борадаги айтмоқчи бўлганим, бола тарбиясида онанинг отага нисбатан кўп машғул бўлишини ҳисобга олсак, боланинг предметлар кесимида ҳам деярли барча фанлардаги билимларни ўрганганлиги унинг она тили ва адабиёт фанини қай даражада ўзлаштирганлиги нихоятда муҳим босқич вазифасини ўтайди.

Мантиқ илмига доир тушунчаларнинг ҳаммаси она тили ва адабиёт фанидан бола онига кенг маънода сингдирилиши керак. Форобий ҳам мантиқни инсон тафаккурини тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи ва инсон фикрлаш қобилиятини ўстирувчи илм деб билган ҳамда уни ўрганишга жуда эътибор қарат-

ларга бўлган муносабати кабилар. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда, тилининг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунарларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир».

Бу пурмаъно гаплардан шу келиб чиқадики, бола қанчалик илмга ташна, билимни ўзлаштириш қобилиятига эга, хотираси зукко, тез ўзлаштирувчи бўлса ҳам нутқий фаолиятида сусткашлик, нуноқлик, оқсоқлик, сўз тизишда бир хил қолигга тушиб оладиган қусурлар эгаси бўлса, у ўз фикрини тўлиқ ифода қилиб беролмайди.

Тўғрироғи, сўзлар билан ҳис этганларини ифодалашнинг имкониятини топа олмай кийнала-

ган.

Мантиқ илми бола таълим тарбиясида нақадар улуғвор куч бўлиб хизмат қилишини Форобий шундай сўзлар билан асослаб берган:

«Грамматика одамлар нутқини тўғрिलाши каби шунинг учун ҳам вужудга келгандир - мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрिलाб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунча-

ди.

Айниқса, қуйи синфлардан оқ ўқувчига нутқини унинг грамматикаси ўргатилишда, боланинг тили қотганга қадар адабий талаффузда сўзлашишга ўргатиб берилса, натижа кўзлангандек бўй кўрсатиб бораверади.

Мантиқ илми ўқувчилар онига тўла сингдириб берилса, улар ўз нутқий фаолиятларида айтаётган сўзларининг қатларига яширинган маъно-мазмун теранлиқларини идрок этиб, уни эшитаётган тингловчиларни ҳам бу ҳолатдан ҳузур топаётганликла-

рини ҳис қилиб борадилар.

Бугун кўп йиллар давомида ўзгармаган ўқув дастурлари ва дарс режаларидадан тубдан воз кечилмоқда.

Энди мактабнинг она тили дарсларида куруқ грамматик қоидалар камайтирилиб, ўқувчи мантикий фикрлайдиган матнлар, муаммоли саволлар билан фикрлайдиган топшириқлар жой олмоқда. Ўқувчи ана шу илм олиш йўли билангина қуроллантирилсагина, грамматик жиҳатдан тўғри, жонли, тароватли, ширага тўйинтирилган ҳолда жумлалар туза олади.

Тил завқини қалбдан ҳис қилиб, дунё гўзаллигини, унинг турли хил ҳодисотларини теран англаб, теранг нигоҳ билан кўради, ҳис қилади. Нутқнинг аниқлиги, мантиқийлиги, бойлиги, софлиги ҳар ишда яқин қўмақчи эканлигини тафаккурига тўла сингдириб боради.

Бугун дунё тажрибасида эътироф этилган бир ҳақиқат яшовчанки, она тили ва адабиёти фани, шунингдек, математика фани мактабда ўқитиладиган барча фанларни ривожлантирувчи, изга соладиган предметлардир.

Хуллас, ўқувчи тамойилига мантиқ илмининг мезонларини чуқур сингдириш, ўткир ва теран тафаккурли қилиб, унинг кўнгил дунёсида нутқнинг ифода мукамиллигига эришишида тиниқ тасаввурлар уйғотиш уни эртанги кунда комил инсон бўлиб етишишига хизмат қилишида пой-дор замин бўлиб боради.

НАВОИЙ ҲАМ ШОИР ҲАМ БУНЁДКОР

Алишер Навоий ижодиёти ҳамда инсонпарвар гоялари билан жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Унинг номи Рудакий ва Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий каби буюк мутафаккирлар сафидан жой олган. XV-аср бадиий адабиёти равнақиға ул зот жуда катта ҳисса қўшган. Тил, адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назариясида кўп қимматли илмий асарлар, 30 дан ошмиқ йилки бадиий асарлар яратган.

Буюк олим «Фоний» тахаллу-си билан тожик тилида ҳам ижод қилиб, «Хамса», «Хазойинул маоний» каби лирик асарлар яратиб, билан бизга бунёдкорлик ишларига ҳам сидқидилдан киришган.

Ўзбек халқининг маънавий равнақи йўлидаги мамлакат ободончилиги, эл юртнинг фаровонлиги учун «туркий забон» халқлар ўртасида дўстлик ришталарининг давомии бўлишида буюк адибнинг қўшган ҳиссаси бисёрлигини биламиз.

У мамлакатда мустахкам марказлашган салтанат барпо этиш ҳамда эришди. Аммо дўсти Хусайн билан давлат бошқаруви Алишер кутганидек бўлиб чиқмади.

Валиаҳд шаҳзодалар Бадиуззамон ва Муҳаммад Султонлар

исёни юз берди. Оддий халқ ҳам зулмдан норози бўлиб, тез-тез кўзголлар кўтарди, очкўз амалдорлар зулми борган сари Алишернинг вазифасидан воз кечи-саройдан узоқлашишига олиб келди. Шундай қилиб, Алишер Навоий Ҳирот ва Машҳад атрофида янги-янги сув иншоотлари барпо эттирди.

Темурийлар давлатида вазирлик лавозимида бўлган Мир Алишер Навоий номи билан ҳам боғланган бир қанча ободончилик ишлари Хуросонда, Ҳиротда Навоий ва унинг сафдошлари таъсироти билан ул юздан ортиқ жамоат бинолари, масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, шиғоҳона, сарой, боғлар, работлар ҳамда турли хил суғориш иншоотлари, ҳовуз, кўприк, бандлар ва сув омборлари барпо қилинган.

Бу иншоотларнинг кўпи Навоийнинг шахсий маблағи ҳисобига амалга оширилган. XV-аср тарихисини Хондамирнинг ёзишича, ул зот ўз маблағига 52 та работ, 19 та ҳовуз 9 та ҳаммом ва бошқа унлаб маҳкам ва мадраса, хонақоҳ ҳамда шиғоҳона қурилганини ёзади.

Қоражон ҚАЮМОВ,
30-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

ИҚТИДОРЛИ КОМПЬЮТЕРЧИ

Нилуфар ЮСУПОВА,
«Баркамол авлод» болалар мактаби «Техника конструкторлик ва моделлаштириш» йўналиши услубчиси.

Туманимиздаги «Баркамол авлод» болалар мактаби номи республикамизга ёйилган. Чунки ана шу донги кетган масканда касби-га меҳр қўйган, ўз касбига садоқат билан ёндошган, бой тажрибага эга бўлган педагог ходимлар меҳнат қилишади.

«Баркамол авлод» болалар мактабида турли йўналишлар бўйича тўғараклар ишлайди. Мактабимизда мавжуд тўғаракларнинг ҳар бирида истеъдодли, иқтидорли болалар ўзлари қизиққан йўналишларида билим олишлари билан бирга истеъдодла-

рини шакллантириб боришади. Тажрибали, ўз касбини севган тўғарак раҳбарларидан бири-Севара Зоирова бўлади. Шунинг айтиш керакки, ҳали Севара ёш. Мактабни, қурилиш коллежини аъло баҳоларга тамомлаган. Унга мактабдан олган чуқур билимлари иш бермоқда.

Беш йилдики, Севара «Баркамол авлод» болалар мактабида фаолият юритапти. Айни пайтда у туманимиздаги Пошхурт қишлоғида жойлашган 33-ўрта умумий таълим мактаби қошида ташкил этилган «Компьютер лабораторияси» тўғарағида ишлаяпти.

XXI-аср компьютер замониға айланган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни бугунги кунда компютерси тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам Севара ўзи ишлаётган тўғарақдаги ўқувчиларга компьютер сирларини моҳирлик билан ўргатапти. Тўғарак аъзоларининг сал кам 70 фоизи-

ни истеъдодли болалар ташкил этади.

Қувонарли томони яна шундаки, тўғаракнинг кўплаб аъзолари туман вилоят, республика бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаб келяпти. Тўғаракка қатнашаётган ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг муҳим касб-сирларини ўрганишида Севаранинг фаолиятидан хурсанддир.

Яқинда мактабимиз жамоаси ўз касбини севган, ардоқлаган Севара Зоированинг ишини мактабда оммалаштиришни режалаштирди. Бунинг учун шу кунларда Севара Зоирова ўз устида тинимсиз меҳнат қилишда давом этмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Севара Зоирова жамоамиз фахри, тажрибали, иқтидорли компьютер тўғарагининг раҳбаридир.

Б.БОЙМАМАТОВ,
Сурхон давлат кўрикхонаси катта илмий ходими.
П.ХУРРАМОВ,
кўриклаш бўйича бош мутахассис.
А.АБДУҒОФУРОВ,
Сурхон давлат кўрикхонаси Хатак бўлими инспектори.

Табиат ресурслари вазирилиги тасарруфидagi Сурхон давлат кўрикхонасида ҳам ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир. Қўриқхона ҳудудида 807 хил ўсимлик бўлиб, шундан 47 таси «Қизил китоб»га киритилган. Доривор ўсимликлар 100 дан ортиқдир. Ҳозир ҳам халқимизда шиғобақш ўсимликларга қизиқ қатта бўлиб, улар тиббий ва табобат оламида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ўсимлик-



лар дағал далачиойи, Бухоро бодми, сертикан бодом, аялзис, себарга, иргай, ширинмия, данакли оқурай, хандон писта, оддий исирик, унаби чилонжикда, доривор ва озукабоб қон, момақаймоқ, вероника, наьматақларнинг бир нечтаси учрайди. Булардан Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик сира-сига лолалар, ширчалар, қаррақлар, қоврақлар, астрагаллар ва кисселеринг савринжоннинг бир неча тури киради.

Кисселеринг савринжони ўсимлиги

Қўриқхона ҳудудида икки тур савринжон учрайди. «Colchicum kessselringii» -кисселеринг савринжон, «Colchicum luteum» -сарик савринжон Марказий Осиёда камайиб бораётган эндемик ўсимлик. Кўп йиллик туғанак пиёзлы ўт. Туғанак пиёзи чўзиқ тумхумсимон, диаметри 1-3,5 см, қобиғи дағал, қора кўнғир рангли. Барглари 3-6 та, чизикли. Гуллари 1-4 та, оқ рангли. Тож-барғчаларининг ташки томони тўк бинафшаранг чизикли, нашта-симон, тўмтоқ. Февраль ойида гуллаб, меваси май-июнда етилади.Тожкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари, харбий Тань-Шань (Курама, Чотқол тизмалари)да, Помир-Олой (Турки-би)га киритилган ўсимлик сира-сига лолалар, ширчалар, қаррақлар, қоврақлар, астрагаллар ва кисселеринг савринжоннинг бир неча тури киради.

Тоғларнинг қуйи қисмида февраль ойининг биринчи ўн кунлигида қорларнинг эриши биланок, баҳор элчисидай гуллари очилади. Тоғ этакларидан то тоғнинг юқори қисмигача бўлган жойларда майда жинс тупроқли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Табиятда якка-якка ҳолда ва тўп-тўп бўлиб учрайди.Уруғидан кўпаяди. Табиий ҳолда уруғлари атрофга тарқалади.

Бу ўсимлик тоғ ва тоғ олди ҳудудларда гулларининг кўп миқдориди йиғиб олиниши ва чорва молларининг кўплаб боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота, Китоё, Ҳисор кўриқхоналарида муҳофаза остига олинган. Йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашимиз, уларга бўлаётган антрапаген таъсирининг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.



Жовбўри Абдулҳақимов

Ўзининг ташаббускорона меҳнат фаолияти билан виллоятимиз аҳолисининг дилдан жой олган, тажрибали, етук мутахассислардан бири, меҳнат фахрийси Жовбўри Абдулҳақимов 78 ёшида вафот этди.

Жовбўри Абдулҳақимов 1945-йилда Шеробод туманидаги Оққўрғон қишлоғида туғилган эди. Мактабни ўқиб тамомлагач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтини тамомлагач, 1967-йилда харбий хизматни ҳам ўтаб қайтди. Дастлаб 1971-1974-йиллар Музработ туманидаги Янгиобод совхозида муҳандис бўлиб ишлади. 1974-1975-йилларда «Сурхон-Шеробод» чўл қурилиши дирекцияси директори, 1975-1981-йилларда Сурхондарё вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлигининг капитал қурилиш ишлари бўйича

ўринбосари вазифасида ишлади.

Жовбўри Абдулҳақимов 1981-1985-йилларда Шеробод туман ижроия қўмитаси раиси, 1985-1993-йилларда Термиз туман партия қўмитасининг биринчи котиби, туманининг биринчи ҳокими вазифаларида, 1993-1994-йилларда Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1994-2000-йиллар оралиғида вилоят «Мевасабзавот» бошқармаси бош директори вазифасида фаолият юритди. 2017-йилга қадар эса, «Нуроний» жамғармаси Термиз туман бўлинимаси раиси бўлиб ишлаб келди.

Жовбўри Абдулҳақимов ҳар

бир раҳбарлик лавозимидаги фаолияти даврида ташаббускорлиги, ўз қиладиган ишларига масъулият ҳисси билан ёндошиши, халқпарвар ва билим салоҳияти билан эл орасида ҳурмат эътиборга сазовор бўлиб келди.

Ж.Абдулҳақимов бир неча чакриқ Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши ва вилоят кенгашларининг депутатлиғига сайланиб, кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Халқпарварлиги, жонқур ташкилотчилиги билан ном қозониб, кўплаб шогирдлар тарбиялаган оташин инсон Жовбўри Абдулҳақимовнинг порлоқ номи қалбларимизда узоқ йиллар сақланиб қолади.

А.Чориев, Б.Кодиров,
Х.Тўрамурадov,
Б.Абдурахмонов,
М.Темиров, Ш.Норсаев,
Х.Бегимқулов, Г.Ўтаева.

Шеробод тумани, «Буюк ипак йўли» маҳалласида яшовчи, фуқаро Бўриев Абдималик Очиловичга, Шеробод тумани, Шеробод тумани, «Қўрғон» маҳалласида яшовчи, фуқаро Мирзаев Хусайн Ҳикматилло ўғлига, Шеробод тумани, «Тароқли» маҳалласида яшовчи, фуқаро Акобиров Халил Жамилевичларга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони йўқолганлиги маълум қилинади.

Шеробод тумани, «Гўрин-Гиламбоб» маҳалласида жойлашган 16-Давлат мактабгача таълим ташкилотининг думалоқ муҳри ва тўрт бурчак штампни йўқолганлиги маълум қилинади.

Тошкент Тиббиёт Академияси Олий ҳамширалик иши Реанимация йўналишини 2014-йилда тамомлаган Аллабердиева Сабоҳат Абдижапаровнага берилган № В 737510 рақамли диплом кўчирмаси йўқолганлиги маълум қилинади.

Ўқувчи Ёшлар Беллашишди

Биз биламизки, ҳозирги кунда автомобил кириб бормаган хонадон қолмади десак, муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда ўқувчилар Шеробод тумани 2-сонли касб хунар мактабида автомобилга оид билим кўникмаларини ошириб бормоқда. Шу кунга қадар ўқувчилар автомобилнинг умумий тузилиши, двигателларни қисмларга ажратиш ва йиғиш ишларини бажариш, газ тақсимлаш механизмини қисмларга ажратиш ва йиғишларни бажариш, совутиш тизимини герметиклигини текшириш ва бошқа жиҳатларни ўрганиб келмоқда. Ўқувчи ёшлар олаётган назарий ҳамда амалий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 2023-йил январь ойи-

ида Сурхондарё вилояти Касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг тасдиқланган режасига асосан, Жарқўрғон тумани, 2-сон касб хунар мактабида «Worldskills» мусобақасида «Енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш» йўналишида чемпионатнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада профессионал таълим муассасаларидан 11-нафар иштирокчи ўқувчилар Шеробод туманидаги 2-сон касб хунар мактабидан Бекзод Норқобил, Узун туман 1-сон касб хунар мактабидан Ж.Менлиев, Жарқўрғон туман 1-сон касб хунар мактабидан Н.Тожиёв, Бандихон туман касб хунар мактаби-

Ҳисоб юритишга ҳар дақиқада эҳтиёж бор



Ҳеч бир соҳа фаолияти йўқки, унга ҳисоблаш амали аралашмаган бўлсин. Ана шулар боис, математика фанини барча фанларнинг «қироли» дея қадрланиши ҳам бежиз эмас. Беш минг йил илгари бунёд бўлган илк мактабларда ҳам дастлаб нутқ дарси билан биргаликда арифметика предмети фан сифатида амалиётга киритилган. Санок система-ларига эҳтиёж пайдо бўлгани боис, ҳисоб китоб ишларини олиб бориш шакллана борган.

Бундан беш минг илгари қадимги шумерликлар она тили грамматикаси билан бирга арифметика фанини ҳам ўрганишини доимий ҳаётга зарурат деб билганлар. Қўлидаги бармоқлар со-нига асосланган ўнли санок сис-темасини қўллаш билан бир

қаторда олтмишли санок системасидан ҳам фойдаланишган. Айлананинг 360 даражага, соатнинг 60 дақиқига, дақиқанинг 60 сонияга бўлиниши каби ҳолатлар ҳам шундан келиб чиққан.

Математика фанини ҳаётда пухта ўрганиш муҳимлигини бола онига сингдириш баробарида унинг тари-хи, бугуни ва эртаси ҳақида ўқувчиларга етарли маълумотлар бе-риш ҳам, албатта, уларда бу фан-га қизиқиш ҳиссини уйғотишда катта аҳамият касб этади.

Бизнинг 60-сонли мактабда ҳам математика фани тўғарақла-рида ўқувчиларни фан сирларини ўрганишга жалб этишда ама-лий ишлар кенг йўлга қўйилган.

Бугунги шиддатли замонда, техника-технология ҳам шитоб суръатда илгарилаб бораётган бир даврада математика фанини пухта ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Акрам ЭРАЛИЕВ,
60-сонли мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

Азиз Ёшлар!
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6-сен-тябрдаги № ПФ-5812-сонли Фар-мониға асосан, Шеробод 2-сон касб-хунар мактаби Шеробод политехника касб-хунар колле-жиги неғизда ташкил этилди.

Қадрларни тайёрлаш умумтаъ-лим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакл-лантирилган гуруҳларда 2 йил-лик умумтаълим ва мутахассис-лик фанларининг интеграциялаш-ган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида амалга ошири-лади:

2023-2024-ўқув йилида қуйи-даги касблар бўйича ўқувчилар қабули режалаштирилган:

1.Автомобиль двигателларини таъшихшлаш ва таъмирлаш-60 на-

фар;
2.Ип йигирув-30 нафар;
3.Автомобиль кузовини таъ-мирлаш-30 нафар;
4.Рақамли ахборотларни қайта ишлаш устаси-30 нафар;
5.Электр станциялари ускуна-жарини таъмирлаш-30 нафар;
Жами: 180 нафар.

Шеробод 2-сон касб-хунар мактабида ўқувчиларнинг ўқиш-лари ва яшашлари учун барча шароитлар яратилган.

Жумладан, фан (инновацион) хоналар, ўқув амалиёти устахо-налари, 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, спорт зал, ку-тубхона, маънавият ва тиббиёт хоналари фаолият кўрсатмоқда. Стадион ва спорт майдонлари мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги

ҳужжатлар топширилади:
1. директор номиға ариза;
2. паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳноманинг асл нус-хаси;
3. 9-синфини битирганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг (шаҳо-датнома) асли ва нусхаси;
4. 3.5 х 4.5 ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Мактаб битирувчиларига ўрна-тилган тартибда диплом ҳамда «Б» тоифали ҳайдовчилик гувоҳ-нома берилади.

Бизнинг манзилимиз:
Шеробод тумани,
«Гулистон» маҳалласи
маркази.
Телефонлар:
(99)-844-63-32,
(99)-677-82-45,
(99)-679-73-86.



ТАЪЛИМДА ЭНГ МУҲИМИ СИФАТДИР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва тақлифи билан 2023-йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», -деб эълон қилинди.

Албатта, йилимизнинг бундай номланиши замирида жуда катта маъно ва мазмун, қолаверса,

мақсадлар бор. Мана кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлиарида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ангилликлар ва ўзгаришлар бунга яққол тасдиқлайди. Бизнинг 63-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам сифатли таълим-тарбияга, кенг инновацион замонавий таълим талабларига ҳамда стандартларига қиёс ҳолда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мактабда 27 нафар ўқитувчилар мактабнинг 170

табимизда Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида амалий ишлар кенг йўлга қўйилган. Жумладан, китобхонлик, компютер саводхонлиги, спорт ва хунармандчилик каби йўналишларда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мактабда режа асосида ички фан олимпиадалари ва бошқа билимлар танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мактабда ўқувчиларга тартиб-интизом, одоҳлоқ қоидалари ва сифатли таълим бериш борасида барча ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Келгусида ҳам бу ишлар доимий равишда амалга оширилиб борилади. Ёшларни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни билимли қилиб тарбиялаш бизнинг бош мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Дилмурод БҲУОНОВ,
63-сонли мактаб директори.

БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ



девори устозларнинг қўлида» шиори остида ўтказилган республика танловининг «Энг яхши бошлангич синф ўқитувчиси» номинатсияси бўйича ғолибликни қўлга киритиб, олий даражадаги диплом билан тақдирландим. 2023-йилнинг 16-февралда Янги Ўзбекистоннинг ижодкор ўқитувчиси номли диплом ва сертификатга эга бўлдим.

16 йилдан буён таълим соҳа-

сида ишлаб келаётган бўлсам, иш тажрибаларимдан шуни билдимки, ўқитувчи ва ота-оналарнинг ҳамкорлиқда узвий алоқада бўлиб туриши муҳим эътиборга лойиқ жихатлар экан. -Боланинг таълим-тарбияси билан фақат ўқитувчилар шугулланиши керак, улар учун давлатимиз иш ҳақи бераптику, -деган тор доирада фикрловчилар қаттиқ адашишди. -Фарзандим мактабда беш баҳоларга ўқийди, -деб хурсанд бўлишнинг ўзи ота-она учун жуда ҳам қувонарли гап эмас. Кўпи билан куннинг беш соати давомида ўқитувчининг қўлида беш баҳога ўқийётган бола куннинг қолган 19 соати давомида ота-онасидан неча баҳо оляпти? Бу ҳолатни назорат қилиш бола ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Бола тарбиясида бу жихатларни ҳам ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бола оннга, авваломбор ахлоқ қоидаларининг мезонлари босқичма-босқич сингдириб бориlsa, бун-

дай фикри тиниклашиб бораётган жажжи вужуд эгасининг руҳий оламига таълимни йўналтириш енгил қўчади. Тарбиясида лойқаланишлар пайдо бўлиб, бу ҳолат бола руҳиятида қота бошлаган кезларда шошилинч тарзда унинг тарбияси билан алоҳида машғул бўлиш керак. Акс ҳолда кеч бўлади. Хуллас, бола қалби мисоли ёзилмаган оқ қозғидир.

Ота-онага тарбия дарслиги масаласи муаммо эмас. Улар учун ҳаётдан ўққанларининг ўзи бир улкан дарсликлар тўпلامидир. Унинг саҳифаларидаги кечмишларни болаларига ўқиб, панд насихатлар, ҳаётгй мисоллар билан бола руҳиятини озиклантириб борган ота-она борки, улар тарбиянинг бу шакли билан ўз мақсадларига, албатта, эришадилар.

Зебо ЖҲРАЕВА,
Қизирлик туманидаги 37-сонли мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси.



«ЛИДЕРЛАР ҲАФТАЛИГИ» ДОИРАСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛАДИ

7-февралдан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида «Замонавий мактаб- лидерлар нигоҳида» номли семинарлар ўтказила бошланди. Унда 10 мингдан зиёд мактаб директорлари, ихтисослаштирилган мактаб раҳбарлари билан мак-

нафар ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келмоқда. Мактабда ўз устида мунтазам ишлайдиган, малакали ва тажрибали ўқитувчилар билан энди педагогик фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчилар ўртасида «устоз-шогирд» аънаналари йўлга қўйилган. Мак-

таизимини тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради.

Тажриба алмашиш, бир-бирини фикрини эшита олиш, жамоа бўлиб биргаликда иш юритиш каби кенг қамровли гояларни илгари сурилган бу семинар кунгеча бизнинг туманимизда ҳам бўлиб ўтди.

«Замонавий мактаб- лидерлар нигоҳида» семинар- тренинг туманимиздаги Ихтисослаштирилган мактабда бўлиб, унда 75 нафар мактаб директорлари иштирок эттишди.

Асосан, таълимдаги ўзгаришлар кўпчиликнинг меҳнати, ҳара-

мактаблари директорлари учун узоқ муддатли стратегия ва устувор вазифаларни белгилаш, жамоада соғлом муҳит яратиш, самарали таълим тамойиллари ҳамда лидерлик кўникмаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Эътиборлиси, бу раҳбар кадрларда лидерлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган биринчи ўқув-семинари ҳисобланади. Бу каби амалий семинарларда барча директорлар ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, ўзаро таҳриба алмашишди. Бундай тадбирлар, албатта, раҳбарлар салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади.

Ҳозирда асосий эътиборимиз таълим сифатини ошириш, мактабларда соғлом муҳитни яратиш, бола ҳавфсизлигига устуворлик бериш, илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, самарали баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, шаффофликни таъминлаш масалаларига қаратилган.

Адҳам БҲУОНОВ,
Шеробод туман Ихтисослаштирилган мактаб директори.

ЎҚУВЧИЛАР ОТА-ОНАЛАРИГА ЗАВҚ УЛАШИШДИ

Ўғилой БҲУОНОВА,
60-сонли мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси.

Мактабда ўтказилган Саводхонлик байрам номли тадбир шу синф ўқитувчиси ва ўқувчилари учун аънаваный тарзда давом этиб келаётган имтиҳон топшириш жараёнига ўхшаб кетади. Негаки, синф ўқувчилари ўқув йилининг дастлабки 6 ойлик илк даврида нутқий ва ёзма саводхонлиқда қай даражага эришганикларини ота-оналари ва устозлари олдида намоиш қилишади.

Мен бу ҳолатни мана ўн беш йиллик иш фаолиятим давомида кузатиб келаман. Яқинда эса, мен раҳбарлик қилаётган 1-“Д”синф ўқувчиларининг Саводхонлик байрами тадбири ҳам ана шундай ҳам ҳаяжонли, ҳам қувончли онларга бой бўлди. Ўқувчилар ихросидаги шеър айтишлар, сахна кўринишлар, шўх қўшиқлар ва рақслар ихроси уларнинг ўзлари билан бир қаторда ота-оналарининг ҳам қалбида ўчмас таассуротлар қолдирди. Жажжи қалб эгалари мактаб сахнасида биринчи марта ўз фикрларини она тилида раво, гўзал ва лўнда ифо-



да этиш билан дарслардан олган билимларини намоиш қилишди. Айниқса,Шабона Тошбоева, Зуфар Қувондиқов, Рамазон Бомуродов, Шохруд Оролов, Мафтуна Нормўминова, Шайдо Одилова сингари сўзга чечан, санъатга ошно ёш навиҳон эгаларининг чиқишлари тадбир иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинди.

Ўқувчиларимизнинг ота-оналари томонидан бола тарбиясида ўқитувчи билан бир сафда ота-

оналарнинг ҳам масъулияти бе-ниҳоя катта эканлигининг эъти-роқ этилганлиги барчамизнинг муудоамиздаги гап бўлди.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ёш авлодни таълим тарбия нури билан сугориш экан, бу муътабар вазифани бажаришни биз уйримишнинг мазмунига айлантиришимиз ва бу йўлда фарзандларимиз эътиқодини Ватан ва Истиқлолга ишончи собит бўлишини мустаҳкамлаб боришимиз керак.

КИТОБ ИНСОННИНГ БЕМИННАТ ДҲСТИ

Шиддат билан ўтиб бораётган ҳозирги замонда қўлида бирор китоб ушлаб турган ёки ўқиб юрган болаларни учратиш ниҳоятда қийинлашиб бормоқда. Бунинг сабаби, менинг назаримда, бугунги кунда техника тараққиётининг ривожланиши ва ахборот технологиялари воситаларининг оммалашиб бораётгани бўлса керак. Яна бир сабаби бўлса, бу ҳам ҳозирги кунда китобларнинг қиммат нархда сотилаётганлиги деб ўйлайман. Тўғри, китобларни сотиб олмасдан кутубхоналардан ҳам олиб ўқиш мумкин деб ўйлангизиз тўғри бўлади.

Болаларни китобга бўлган қизиқишларини жуда эрта, ҳали улар гўдақ чоғиданоқ ўргатиб бориш керак. Лекин айрим ёш ота-оналар эса, -Нима қилади, ҳали бешкида ётган боласига турли туман расмли китобларни кўрсатиб, -деб уларга қизиқ-қизик эрталарни ўқиб бериш ўрнига, боланинг қўлига телефонларини тутқазиб қўймоқда-



лар. Ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдақ қўлида телефон ушлаб воғга етмоқда. Энди кўз олдингизга келтиринг.

Уша гўдақ вояга етганда кўпроқ китобга қизиқадими ёки телефонга? Албатта, телефонга, тўғрими? Телефонда бўлган турли туман ўйинлар болани биринчи навбатда ўзига тез жалб қила олади. Китоблар эса, уларга бир қадар зерикарли туюла бошлайди. Шунинг учун бола қўлига телефондан кўра қоғоз, қалам ёки турли расмли эртак

китобларни бериш- бу мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугунги кунда жуда кўпплаб болаларнинг кўзлари телефон туйғили хира тортмоқда. Ўз ота онаси китоб ўқимаган бўлса, ўқини истиама-са, бу оиланинг фарзандини ҳам қандай қилиб китоб ўқишга қизиқтириш мумкин. Бу ҳам ҳозирги даврнинг аянчили ва оғрикли нуқтасига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда китобхонлик тарғиботи давлат сиёсати даражасига чиқди. Болаларни китобга қизиқтириш учун Ўртбошимиз, ҳатто автомобиль совға қилишгача бормоқда. Китобхонлик танловини янада кучайтирсак, ҳар бир бола бу борада яхши натижаларга эриша боради. Бундан ташқари, ҳар бир оилада китобхонлиқни кенг йўлга қўйишимиз керак.

Ҳурматли, азиз ота-оналар, ўз фарзандингизни келажақда яхши инсон бўлиб шаклланиши, аввало ўзингизга боғлиқ. Қўш уясида кўрганини қилади, деган нақлни ҳеч қачон унутманг.

Соғида Абдуллаева,
10-сонли мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Саломатлик энг бебаҳо нёзматдир. Шу ўринда инсон ўзига эътиборли бўлиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши аҳамиятли ҳисобланади. Хўш, соғлом турмуш тарзи ўзи нима? У қандай қоидалардан иборат?

Мақоламиз ўз муштарийларига фойдали бўлишини истаб, ушбу саволларимиз билан олий тоғали шифокор, жарроҳ Абду-салоом Исломовга мурожаат этдик:

-А.Исломов: Инсон бу ёруғ оламда яшар экан, унга ташқи муҳитда энг керакли нарса тана-сининг тўлақонли соғлом бўлишидир. Албатта, тўлақонли дейишимизнинг сабаби, организм шу даражада мураккаб ва бир-бирига узвий боғлиқлик асосида тузилган, ҳар қайси аъзо ўз вазифасига эга. Жамиятда эҳтиёжларимиз аъло даражада адо этилиши, ҳаётда мамнуният билан яша-шимиз учун уларни асраб авайлашимиз керак. Киши ўз организмиде бўлаётган ҳар қандай салбий ҳолатларга диққат қилиши ва уни ўз вақтида тегиш-ли чоралар билан бартараф эти-ши саломатликка катта таъсир ўтказди. Умуман олганда, доимий соғлом бўлиб юриш учун ин-

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАМОЙИЛАРИ

сон бевосита турмуш тарзига эътибор бериши керак. Унинг қуйидаги 7 қоидаси мавжуд.

Айни дамда, кучли овқатлар тановул қилиниши, спиртли ичимликлар истеъмоли, чекиш натижасида турли касалликлар авж олмоқда. Шифокор ҳузурига мурожаат қилиб келаётган ҳар қайси инсоннинг биттасида вазн ортиши, қандли диабет, юрак-қор томир, жумладан, бўйрак ва ўт-тош, жигар хасталикларини кузатишимиз мумкин. Бугун ушбу касалликлар ҳамда уларнинг келтириб чиқарувчи омиллар дол-зарблгини йўқотгани йўқ.

Ўқорида айтиб ўтганимиздек, организм бир-бирига боғлиқдир. Сурункали пилонефрит тошли пилонефрит урологик касалликларни ҳам шаклланишига сабаб

бўлади. Одатда беморларимизга дори дармондан ташқари, табиий ўсимликлардан тайёрланган даммалар истеъмолини ҳам тавсия этамиз. Барчамизга маълум ва машҳур тиббиёт устози Ибн Синонинг ёзмаларида юқоридаги касалликларга қўлланадиган турли шифобахш ўсимликлар ҳақида айтиб ўтилган.

Шулардан ҳалқимиз томонидан кўп маротба сивовдан ўтган, айни дамда жуда фойдали бўлган наъматда даммаласини тавсия этардим. У нафас йўли, шамоллаш, ошқозон, ичак, бўйрак тош, туз хасталикларига ўта самарали даво усулидир. Таркибида витаминлар кўрсаткичи жуда юқори. Албатта, шифокорга кўрини, ҳолатингизга қараб ушбу даммаларни истеъмол қилишингиз мум-

кин.

-Мухбир: Бир-биридан қим-матли ва фойдали маслаҳатларингиз учун миннатдорим.

Сўнгги сўз ўрнида тилақларингиз.

-Шифокор: Юртимиз ҳаммаша тинч бўлсин, осойишталик ҳукм сурсин. Ота табиатишиз гуллаб яшайверсин. Инсонларга мустаҳкам соғлиқ тилардим. Ҳеч қачон дард кўришмасин. Бардам бақувват бўлиб юришсин.

-Мухбир: Самимий сўхбат учун сизга ҳам ўз миннатдорчилигимизни изхор этамиз.

Сухбатни Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси Садоқат Акбарова олиб борди.

БОБУРНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Ҳиндистон кўкида юлдузлар гавжум, Борлиққа ҳукмрон гафлат уйқуси. Бу кеч ҳам қалбига қилишар ҳужум, Йирқода қолишган армон туйғуси. Қанийди, сўнгги бор кўролса қониб, У болалиги оққан ўша шўх сойни.

ОНА КИМ?

Она ким? Кўзидан оққан кўз ёшни, Болам кўрмасин деб қафтида артган. Она ким? Бир парча гўштдек гўдакни, Оқ ювиб, оқ тараб, гўлдек яратган. Она ким? Тунлари бедор қаршингда, Йиғласанг сен билан дардларни кўнган. Она ким? Бир оғиз ширин сўзингдан, Жисми ерда туриб, кўкларда учган. Она ким? Таърифга бу тилим ожиз, Айтсам вужудимни титратар дил сўз. Она ким? Адоғсиз дарду- аламдан, Қалби йиғласа ҳам, кулиб турган кўз.

Дилбар АБСАЛОМОВА,
11-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Дардини билгандай Ғанг ҳам тўлғониб, Оқизиб кетмоқда бир парча ойни.

Не қилсин, дард бўлиб кўздан сизилган, Ёшлари сизмас, хаттоки Ғангга. Қўшмас бунча кўп хинди қиздирган, У Бобур кўксидан чиққан аланга.

Сафар Абдувоҳидов,
10-сонли мактаб тарғиботчиси.

Kasbingiz egallayman

44 yil shifokorlikda ishlab, keksalik gashtini surayotgan Shomurod bobonga.

Bobojonim men siningiz, Kasbingiz egallayman. Bemorlarni davolab, Ko'p-kor savob olaman! Sizdek mohir shifokor, Bo'lish -men uchun sharaf! El olqishin olaman, Bemorlarni davolab, Shifo berib ularga,

Duolarin olaman. Tun-kun kasbimni sevib, Dildan xizmat qilaman. Allamurod bobom ham, Dongdor shifokor bo'lgan. Iste'dod-la davolab, «Olim-tabib» -nom olgan. Bobolarim-shifokor, Bo'lgan yurtga madadkor, Ular izidan borib, Bo'lgum albat, shifokor! Elim-xalqim sog' bo'lsa, Yuksalgay Vatanim ham, Sino ruhi shod bo'lsa, Shoddor O'zbekiston ham! Shifokor, bobojonlar, She'r bitdi naborangiz! Umid qildim, men -Zahro, Albat, duo qilingiz! Shunday go'zal Vatanda, O'lo o'qiylik, yoshlar! Sevgan kasbim egallay, Sog' bolsin,vatandoshlar!

Zahro Shomurodova,
47-sonli maktabning 5-sinf o'quvchisi.

ОЛИЙ БАХТИМ

Бўлар менинг яқинда, Таваллуд айём куним. Келади унга ҳамма, Уша кун менинг куним. -Табриклаймиз, Умидда, -Дёб келар хошларим. Қаранг яшнаб очилган, Қип-қизил лолаларим. Изидан келар аста, Аммаларим меҳрибон. Нурларга тўла юзи, Қўллариде ширмон нон. -15 га тўлдинг энди, Бахт топ, -дер ота-онам. Тўғри катта қиз бўлдим! Рости хурсандман мен ҳам. Шу ёшга етиб бугун, Айтаман ният -аҳдим. Она юртга шеър битмоқ, Эрур энг олий бахтим.

Умида ХОЛМУРОДОВА,
66-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ФАСЛАР КЕЛИНЧАГИ

Баҳор сени кутдик соғиниб, Қиш фаслининг изгиринида. Гўё йилдек бўлди бу фасл, Ва ниҳоят келдинг баҳорим.

Ҳамма шодон, ҳамма қувончда, Шўкур дерлар етказганига. Дарахтлар куртак ёзишар, Ҳовилларда қушлар чуғури.

Жам бўлишиб, қўни-қўшнлар, Сумалакка қозон осишар. Тилақлари юрнинг тинчилиги, Барақаси, ризқ бутуниги.

Баҳоройим келинчак фаслим, Тароватинг ёздинг юртимга. Яшилликка бурканди олам, Ҳамма хурсанд, юртда шодиёна.

Манзура Улугбердиева,
Шеробод туман Ахборот-кутубхона маркази директори.

ONAMNING ERKA QIZIMAN

Gohida quvnoqman, gohida shodman, Ozgina beboshroq, o'yinqaroqman. Yuribman betashvish onam yonida, Farishta onamning erka qiziman. Yugurib yeladi, meni o'yalaydi, Gohida tanbhelar berib qo'yamaydi. Erkatoy qizini hardam o'yalaydi, Farishta onamning erka qiziman. Injqlik qilaman, goho onamga, G'amgin bo'lsalar ham, kulib so'zlaydi. Meni o'qisin deb, hardam tinmaydi, Farishta onamning erka qiziman. Ba'zida onamni ranjitib qo'ydim, Mehribon onamning erka qiziman. Bugun erka qizingiz mehryn ko'rasiz, Dunyoda eng baxtli ayol bo'lasiz. G'amni tashlaysiz- u, baxtni ushlaysiz, Erkatoy qizingizga erka bo'lasiz. Poyingiz ostida jannat bor ekan, Har bir so'zingizda hikmat bor ekan. Qalbingiz mehrga limmo-lim ekan, Jannatim onamning yolg'iz qiziman.

Dinara Davlatova,
49-sonli maktabning 10- "A" sinf o'quvchisi.

ШЕРОБОД ҲАЁТИ

МУАССИС:

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

«Шеробод ҳаёти» газетаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11-февралдаги 11-075-сонли рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Парда МУҲАММАДИЕВ
Шермуротович

Нашр индекси: 64829
Босишга топширилди- 9-⁰⁰
Босилди- 14-⁰⁰

«Шеробод ҳаёти» газетаси ҳажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ, «Сурхон тоғи» ва «Заря Сурхана» газеталари таҳририяти босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Термиз шаҳри Шўкрона кўчаси, 19-А уй.

«Шеробод ҳаёти» газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди Саҳифаловчи-
Шерали АЛИЁРОВ.
Веб saytimiz: Sherobod-hayoti gazetasi.uz

Манзилимиз:
Шеробод тумани,
«Тарокли» маҳалласи.
Телефон: 88-531-19-60

2650 нусхада босилди.
Буюртма Г-31

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин